“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш 2-сонли баённомаси

Йиғилиш ўтказиш жойи: Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 4 уй, “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти мажлислар зали.

Умумий йиғилиш тури: навбатдан ташқари
Йиғилиш ўтказиш санаси: 2025 йил 7 март.
Жамиятнинг жами жойлаштирилган акциялари сони 4 288 088 дона.
Жамиятнинг 2025 йил 3 март ҳолатида шакллантирилган реестрига асосан жамият акциядорлари сони 1708та.
Йиғилишда қатнашдилар: 3 198 895 овозга эга 5 акционер, шу жумладан 2 акционер ишончнома билан, кворум 74,59 фоизни ташкил этди.
Таклиф этилганлар: ижроия органи аъзолари, мутасадди ходимлари.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1.“Бухоронефтгазпармалаш”АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.
2. Жамият Уставига ўзгариш киритилишини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгариш киритилишини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми”ни тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Коллегиал ижро органи тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш.
6. Эрсориев Ризамат Янгибоевич ва Абдуллаев Охунжон Нўмонжон ўғлининг кузатув кенгаши таркибидаги ваколатлари тугатилиши.
7. Кузатув кенгаши таркибига янги аъзолар сайланиши.

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши кворуми эълон қилинди. Кворум 74,59 фоизни ташкил этди. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддаси 1-хатбошиси бўйича йиғилишнинг ваколатлилиги эълон қилинди.
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили – М.Бекмуродов сўзга чиқиб, ушбу йиғилиш жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 12 февралдаги йиғилиш қарори асосида ўтказилаётганини тушунтириб ўтди.
Йиғилиш ўтказилиши учун йиғилишнинг ишчи органлари сайланишига тўхталиб ўтилди. Йиғилишнинг ишчи ҳайъатига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили, йиғилиш раиси – М.Бекмуродов, жамият бошқаруви раиси – Б.М.Бакаев сайланди. Йиғилиш котиблигига Г.Касимова сайланди.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи масала** “Бухоронефтгазпармаш” акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш” бўйича Г.Касимова сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 12 февралдаги йиғилиш қарори билан акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига тасдиқлаш учун уч киши: А. Ибрагимова, Д. Баканов ва Д. Саидовалардан иборат саноқ комиссияси таркиби таклиф этилгани ҳамда маърузага чиқувчиларга 5 минут, музокарага чиқувчиларга 3 минут, овоз беришга 2 минутдан иборат йиғилиш регламенти таклиф этилганини айтиб ўтди.
Кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди.
Овоз бериш натижаси:
“тарафдор” 3 198 895 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **биринчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

1.1. Акциядорлар умумий йиғилиши саноқ комиссияси А. Ибрагимова, Д. Баканов ва Д. Саидовалардан иборат таркибда тасдиқлансин.

1.2. Умумий йиғилиш регламенти маърузага чиқувчиларга 5 минут, музокарага чиқувчиларга 3 минут, овоз беришга 2 минутдан иборат тартибда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** бўйича Г.Касимова сўзга чиқди ва мажлис қатнашчилари диққатига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий лойиҳалар миллий агентлигининг 2024 йил 17 сентябрдаги 03/18-2-3-3615 хати матнини ўқиб эшиттирди.

Ушбу хатнинг иккинчи хатбошиси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонининг 1-иловаси билан акциядорлик жамиятининг намунавий ташкилий тузилмаси тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ жамият бош ҳисобчиси жамият коллегиал ижроия органи тизимига кириши қайд этилган.

Шу ҳолатни инобатга олиб, кузатув кенгаши ўзининг 2025 йил 12 февралдаги йиғилиш қарори билан жамият бош ҳисобчисини коллегиал ижро органи таркибидан чиқаришни ҳамда жамиятнинг амалдаги Уставига қўйидагича ўзгариш киритиб, уставни янги таҳрирда тасдиқлашни тавсия этгани айтиб ўтилди:

т\р	Эски матн	Янги матн
1	11.4.3. **Жамият Бошқаруви 4 (тўрт)** аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига жамият бошқарув раиси, жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринбосари, жамият бошқарув раисининг геология бўйича ўринбосари ва бош ҳисобчи киради. Бошқарув аъзолари уч йил муддатга сайланади.	11.4.3. **Жамият Бошқаруви 3 (уч)** аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига жамият бошқарув раиси, жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринбосари, жамият бошқарув раисининг геология бўйича ўринбосари киради. Бошқарув аъзолари уч йил муддатга сайланади.

Кун тартибидаги масала бўйича бюллетенга овоз бериш таклиф этилди.

Овоз бериш натижаси:
“тарафдор” 3 198 895 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **иккинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

2.1. Жамият коллегиал ижро органи таркибидан бош ҳисобчи чиқарилиши ва ижро органи уч кишидан иборат бўлиши борасида жамият Уставининг 11.4.3-бандига ўзгариш киритилиши муносабати билан жамият устави янги таҳрирда 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича Г.Касимова сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2025 йил 12 февралдаги йиғилиш қарорининг 1.2-банди матнини тушунтириб ўтди. Ушбу бандда “Бухоронефтгазпармаш” акциядорлик жамияти бош ҳисобчисининг коллегиал ижро органи таркибидан чиқарилиб, коллегиал ижроия органи тизимига ўтказилиши ва коллегиал ижро органи уч кишидан иборат бўлиши борасидаги ўзгаришни жамият таркибий тузилмасига ҳам киритилиши зарурияти кўрсатиб ўтилгани айтиб ўтилди.

Жамиятнинг амалдаги ташкилий тузилмасида фақат жамият бошқарув раиси лавозими тўғрисида раиснинг ижро органига тааллуқлилиги тўғрисида ёзув бўлиб, ижро органининг бошқа аъзолари лавозими тўғрисида уларнинг коллегиал ижро органи таркибига кириши борасида ёзув йўқлигини инобатга олиб, ушбу лавозимлар қўйидаги таҳрирда ёзилиши тавсия этилиши тушунтириб ўтилди:

- жамият бошқаруви раисининг 1-ўринбосари (бош инженер) - ижро органи аъзоси;
- жамият бошқаруви раисининг геология бўйича ўринбосари - ижро органи аъзоси.

Ушбу киритиладиган ўзгаришлар матни акциядорлар муҳокамасига қўйилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият ташкилий тузилмасига киритиладиган ўзгаришларни юқоридаги матнга мувофиқ тасдиқлаш бўйича овоз бериш таклиф этилди.

Таклиф овозга қўйилди ва овоз бериш натижаси:
“тарафдор” – 3 198 895 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **учинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

3.1. Жамиятнинг ташкилий тузилмасидаги жамият бошқаруви раисининг 1-ўринбосари (бош инженер) ва жамият бошқаруви раисининг геология бўйича ўринбосари лавозимларига, уларнинг Коллегиал ижро органи аъзоси эканлиги туғрисидаги ёзув киритилиши муносабати билан жамият ташкилий тузилмасидаги ўзгариш 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** бўйича Г.Касимова сўзга чиқиб, жамиятда амал қилаётган Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом қабул қилингандан кейин ўтган давр ичида амалдаги Қонунчиликдаги ўзгаришлар, акциядорлик жамиятларини бошқаруви бўйича корпоратив фаолиятдаги талабларга киритилган анча ўзгаришлар тўғрисида айтиб ўтди.

Шу ўзгаришлар ва жамият амал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган Корпоратив бошқарув кодекси талаблари инобатга олинган ҳолда, ушбу меъёрий - ҳуқуқий низом янги таҳрирда тайёрланганлиги айтиб ўтилди. Низом матни акциядорлар диққатига ҳавола этилди.

Кун тартибидаги масала бўйича маърузачига саволлар бериш таклиф этилди ва муҳокамалар якуни билан бюллетенга овоз бериш таклиф этилди.

Овоз бериш натижаси:
“тарафдор” – 3 198 895 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

4.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** бўйича Г.Касимова сўзга чиқди. Маърузачи жамиятда амал қилаётган “Коллегиал ижро органи тўғрисида”ги Низоми қабул қилингандан кейин ўтган давр ичида амалдаги Қонунчиликга киритилган ўзгаришлар, акциядорлик жамиятларининг корпоратив фаолиятидаги талабларга ҳам ўзгаришлар қилингани, жамиятнинг Низомида Корпоратив бошқарув кодекси талаблари тўлиғинчи акс эттирилмагани, шунингдек, жамиятнинг коллегиал ижро органига ўзгартириш киритилганли инобатга олиниб, меъёрий-ҳуқуқий низом янги таҳрирда тайёрланганини айтиб ўтди. Низом матни йигилиш қатнашчилари диққатига ҳавола этилди.

Кун тартибидаги масала бўйича маърузачига саволлар бериш таклиф этилди ва муҳокамалар якуни билан бюллетенга овоз бериш таклиф этилди.

Овоз бериш натижаси:
“тарафдор” – 3 198 895 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **бешинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

5.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Коллегиал ижро органи тўғрисида”ги Низоми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича, М.Бекмуродов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги 2024 йил 27 декабрдаги 02/09-3-17/3854-сонли хати билан жамият кузатув кенгаши таркибида давлат улуши бўйича сайланган вакиллар Эрсориев Ризамат Янгибоевич ва Абдуллаев Охунжон Нўмонжон ўғли ўрнига Нигматов Сарвар Анвар ўғли ва Джуракулов Чорибек Уриновичларни сайлаш бўйича таклиф билан чиққанлигини айтиб ўтди.

Шунга асосан, кузатув кенгаши таркибида Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги вакиллари сифатида фаолият кўрсатиб келган Абдуллаев Охунжон Нўмонжон ўғли ва Эрсориев Ризамат Янгибоевичларнинг кузатув кенгаши таркибидаги ваколатларини тугатиш борасидаги таклиф овоз бериш учун киритилди ва бюллетенга овоз бериш сўралди.

Овоз бериш натижаси:
“тарафдор” - 3 198 895 овоз, “қарши”, “бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги **олтинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

6.1. Кузатув кенгаши аъзолари: Абдуллаев Охунжон Нўмонжон ўғли ва Эрсориев Ризамат Янгибоевичнинг кузатув кенгаши таркибидаги ваколатлари тугатилсин.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** бўйича, М.Бекмуродов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиғининг 2024 йил 27 декабрдаги 02/09-3-17/3854-сонли хати билан жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига киритилаётган янги аъзолар: Нигматов Сарвар Анвар ўғли ва Джуракулов Чорибек Уринович номзодларини сайлаш масаласи бўйича бюллетенга кумулятив усулда овоз беришни сўради.

Овоз бериш натижаси:
Нигматов Сарвар Анвар ўғли – 2 190 144 овоз.
Джуракулов Чорибек Уринович – 2 190 144 овоз.

Кун тартибидаги **еттинчи масала бўйича қарор қабул қилинди:**

7.1. “Бухоронефтгазпармаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши таркибига Нигматов Сарвар Анвар ўғли ва Джуракулов Чорибек Уринович номзодлари сайлансин.

Йиғилиш раиси М.Бекмуродов

Йиғилиш котиби Г.Касимова

Йиғилиш баённомаси имзоланган сана 13 март 2025 йил.